КОМИКЛИК КАТЕГОРИЯСИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МУАММОСИ

И.Т.Рустамов

Мақолада комиклик категориясини ўрганишнинг назарий-методологик жиҳатлари кўриб чиқилган. Нутқий мулоқот жараёнида комик эффектни юзага келтиришнинг биопсихологик, лингвокогнитив хусусиятлари тадқиқ этилган.

***Калит сўзлар**: комиклик, кулги, юмор, ҳазил, сатира, ирония, сарказм.*

В статье рассматриваются методологико-теоретические аспекты изучения категории комического. Исследуются биопсихологические, лингвокогнитивные особенности выражения комического в процессе речевого общения.

***Ключевые слова:** комическое, смех, юмор, шутка, сатира, ирония, сарказм.*

This article is devoted to the study of analysis of comic content in social sciences. The author attempted to analyze biopsychological and linguo-cognitive aspects of this phenomenon.

***Key words**: comic, laugh, humour, joke, satiric, irony, sarcasm.*

Кўп маъноли ва кўп функцияли ҳодиса бўлган комиклик категорияси фалсафа, эстетика, тилшунослик, маданиятшунослик, психология сингари фанларнинг тадқиқот объектидир. Комиклик моҳиятини тўлиқ ҳажмда биопсихологик, социопсихологик, лингвомаданий ва когнитив тилшунослик методларини қўллаган ҳолда ўрганиш мумкин [4.6].

Ҳозирги кунда мавжуд назарияларнинг ҳеч бирини тўлиқ қабул қилиб бўлмайди, аммо уларнинг ҳар бирида оқилона мулоҳазалар мавжуд. Барча назариялар таҳлилидан комикликнинг асоси муайян мотивлардан иборат деган хулосага келиш мумкин. Мотивларнинг энг муҳимлари сифатида устунлик, номутаносиблик, комик қувватни чиқариб юбориш кабилардир. Бундан ташқари, барча назарияларда комикликнинг юзага келиш сабаблари ҳамда унинг юзага чиқишига тўсқинлик қиладиган ҳодисалар ҳақида ҳам фикр юритилган.

Фалсафада комикликнинг қуйидаги турлари алоҳида ажратилади: нозик, таъсирчан, қизиқарли, гротескли, трагикомик, яққол, яширин, табиий комизмлар [12.216].

Адабиётшуносликдаги ушбу масалага оид назарияларда комиклик инсон тушиб қоладиган нореал ва мантиқсиз аксилолам билан тенглаштирилади. Комиклик оламни иккига ажратади: меъёрий ва “кулгили” воқелик. Шундан келиб чиқиб, олимлар комикликка таъриф беришади: “… бу қуйидаги икки шартни қондирадиган меъёрдан оғишдир: 1) иккита мазмуний режа пайдо бўлишига олиб келади (бошланғич нуқтадан кескин фарқ қилувчи якуний натижага кутилмаганда ўтилади); 2) ушбу дамда ҳеч ким учун хавф йўқ, ҳазилни қабул қилувчилар учун ҳатто ёқимли (манзур) ҳам, чунки оғиш уларда ўз устунлиги ҳиссини келтириб чиқаради” [11.22].

Кўриб турганимиздек, комиклик категориясида иккита қарама-қарши ибтидо иштирок этади: дастлаб ўзига эътиборни тортадиган, ижобий бўлиб туюлган ҳодиса охир-оқибатда салбий хусусият касб этади.

Бадиий адабиётда комикликнинг кўплаб жанрлари мавжуд: масал, фельетон, памфлет, эпиграмма, адабий пародия, комедия, трагикомедия, комедия дель арте, водевиль, скетч, миниатюра, латифа (анекдот) ва ҳ.

Биология ва психологияда комиклик унинг идроки нуқтаи назаридан муайян турдаги маълумотлар сифатида тушунилади [2.13]. Бу ўринда комикликнинг ажралмас элементи бўлган кулги ижобий эмоциялар билан бевосита боғлиқ ҳодиса сифатида қаралади. Зеро, “комик дискурс контекстида юзага келувчи коммуникатив боғлиқлик ўзаро тушуниш гарови, суҳбатдошлар орасида ўзаро ишонч ва эмоционал алоқани тақозо қиладиган бирлаштирувчи унсур ҳисобланади” [8.138-146]. Айрим тадқиқотчилар кулгини тажовузкорликка тенглаштирадилар, негаки даставвал тажовузни қайтаришга қаратилган уриниш, ихтиёрий равишда кулгига айланади.

Комикликни идрок этиш инсон онгининг атрофдаги воқеликни ва тўпланган ҳаётий тажрибани акс эттириш сингари билиш хусусиятларига асосланувчи мураккаб когнитив жараёндир. Хусусан, комиклик талқини “хабар жўнатувчи ва қабул қилувчидаги умуммаданий, миллий, ижтимоий, фанга оид билимларга ҳамда комик эффектни бериш учун лисоний воситаларнинг мақбул танловига” боғлиқ. Комикликнинг ўзи воқеликнинг субъектив баҳоси бўлгани боис, мазкур категория эмоциялар соҳасига мансубдир. Шаховскийнинг фикрича, комик мазмунни тушуниш комик вазият иштирокчиларидан “унинг аспекти сифатида эмоционал/эмотивли билимни” талаб қилади. Модомики, бундай билим

йўқ экан, латифа, ҳазил, ҳар қандай ҳозиржавоблик ва юмор тушунарсиз бўлиб қолади ҳамда маъновий (эмоционал) диссонанс юзага келади [13.257].

Комиклик яратилишининг омиллари ва шартлари қуйидагилардан иборат:

- кулги объекти, яъни субъект устидан кулаётган шахс. Рўёвий идрок ва унинг барбод бўлишига асосланган ҳамда ўз ижтимоий мавқеини пасайтиришга мойиллик;

- субъект – объектив ва субъектив кўриниш орасидаги қарама-қаршиликни англаётган кузатувчи, унинг учун завқ олишга хос, ўз баҳосини оширишга бўлган истак;.

- комик вазият – комик эффектнинг пайдо бўлишига замин яратувчи шарт-шароит;

- комикликни амалга ошириш воситалари – комик эффектни юзага келтирувчи вербал ва новербал воситалар;

- кулгу реакцияси (муносабат) – инсон физиологияси ва руҳиятининг кўриниши**.**

Маданиятшунослик ва маданиятлараро мулоқот нуқтаи назаридан комиклик тадқиқоти миллий ўзига хосликка асосланади. Чет тилини мукаммал билишнинг ўзи ҳамма вақт ҳам ўзга маданият юморини қабул қилишга етарли асос бўлолмайди, чунки у миллий менталитет билан чамбарчас боғлиқ: юморни ўрганиш ҳам ўз, ҳам ўзга (хорижий) маданиятни, ўзи ва ўзгалар образини талқин қилишдаги фарқларни тушунишга ёрдам беради. Ҳар хил маданиятларни қиёслашда биринчи планга этнография ва этнопсихология элементлари чиқиб, уларга миллий ғурур, ўз-ўзини англаш, миллий характер қирраларини киритиш мумкин. Бу элементлар миллий юморда юксак бадиий сатҳда ҳам, тубан сатҳда ҳам яққол намоён бўлади, яъни комиклик универсаллиги, унинг идроки ва шаклланиши механизмларидан қатъий назар, маълум халқ юморининг ўзига хослиги у юзага келаётган лисоний маданий контекст хусусиятларига боғлиқдир.

Комиклик категориясининг тадқиқида “оламнинг комик манзараси” истилоҳи муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотчилар уни “Оламнинг умумий эмоционал манзараси структурасига киритилган бўлаги (парчаси)”, унинг моҳияти асосини “атрофдаги оламни стереотипик идрок этишдан, меъёрий ҳаётий қадриятлардан оғган, комик эффект келтириб чиқарадиган комик образлар йиғиндиси” ташкил қилади деб таъкидлайдилар [10.55]. А.В.Карасик олам комик манзарасининг тўрт сатҳини ажратиб кўрсатади: 1) умуминсоний; 2) этномаданий; 3) ижтимоий-гуруҳий; 4) индивидуал [6.13-22], яъни комиклик алоҳида бир киши, муайян гуруҳ, миллат ва ҳатто бутун инсоният сатҳларида ҳам муваффақиятли қабул қилиниши мумкин.

Комиклик категорияси бир неча турларга бўлинади. Тадқиқотчилар М.Р.Желтухина (2000), И.В.Поп-ченко (2005), Л.Косина (2014) ва бошқалар изидан биз комикликнинг асосий турлари сифатида юмор, киноя, сатира ва сарказмни кўриб чиқамиз. М.Р.Желтухина томонидан комиклик турларини фарқлашнинг қуйидаги мезонлари ишлаб чиқилган:

1. Эстетик: а) комиклик объекти; б) комиклик объектининг идеал билан ўзаро муносабати.

2. Ижтимоий: а) долзарблик даражаси; б) танқидийлик даражаси.

3. Биопсихологик: а) эмоционал тўйинганлик даражаси; б) эмоцияларни ифодалаш жадаллиги; в) ифодаланаётган эмоциялар характери; г) тажовузкорлик даражаси.

4. Лингвистик: 1) лингвокогнитив: а) интеллектуаллик даражаси; б) баҳоловчи белги хусусияти; в) салбий (негатив)лик даражаси; 2) лингвопрагматик: а) адресат томонидан комикликни тушуниш даражаси; б) перлокутив эффект; в) баҳони ифодалаш хусусияти; 3) соф лингвистик: а) ифода ва мазмун планларидаги қарама-қаршилик даражаси; б) устувор лисоний воситалар [3.10].

Тилшуносликда комиклик категорияси лисоний бирликлар прагматик маъносини қайта ишлашнинг маълум тизими сифатида тадқиқ қилинади [9.140-153]. Мазкур тизим модель ва уни қуришнинг лисоний воситаларидан ташкил топган. Ушбу категориянинг лингвистик таҳлилида тадқиқотчи матнда унинг ижтимоий-маданий мазмунини ҳамда шу мазмунни белгиловчи унитар ахборотнинг интеракционал структураларини аниқлайди. Шу билан бирга, комиклик категориясининг лингвистик жиҳатдан тадқиқи комик эффект яратувчи сабабларнинг тавсифи билан чамбарчас боғлиқдир.

Лингвокогнитив ёндашув нуқтаи назаридан комикликка парадоксал ҳодиса сифатида қаралади [5.224]. М.Бахтин таъкидлаганидек, предметлар ёки ҳодисаларнинг комик моҳияти мантиқий алоқалардан маҳрум, яъни комиклик категорияси парадокс, алогизм, қарама-қаршиликка асосланади [1.527], зеро, исталган ҳодиса мутлақ жиддий бўлиши мумкин эмас ва ҳар доим ҳам қандайдир комикликни ўзида мужассам этади. Мавжуд комиклик когнитив назарияларидан энг муҳим аҳамиятга эгалари қуйидагилардир:

1. Бисоциатив назария воқеликни инсон томонидан икки контекстда идрок этилиши тўғрисидаги фикрга асосланиб, бунда фикр-хаёл кескин тарзда биридан иккинчисига ўтади, яъни комиклик руҳий жараёнлар натижасидир. Комикликнинг муҳим сабаби кутилмаганлик кўринишидаги когнитивли диссонанс ёки кучни келтириб чиқарадиган бисоциотив ларза ҳисобланади.

2. Семантик сценарийлар назарияси икки сценарийнинг ўтказгич воситасида бирикишидан иборат. Семантик ахборотни ташувчи сценарий инсоннинг ҳам лингвистик, ҳам экстралингвистик қобилиятини

шакллантиради. Икки сценарий бирлашганда, инсон онгида қандайдир оппозиция пайдо бўлади (имконли/имконсиз, меъёрий/ номеъёрий ва б.) ва бу комик эффект ҳосил бўлишига ёрдам беради [14.284].

Комикликни ўрганишга лингвопрагматик ёндашув комикликнинг коммуникатив моҳиятини очиб кўрсатишга ёрдам беради. Комикликнинг яратилиши ва идрок этилиши моделини ўзида мужассамлаштирган С.Шмитнинг прагматик комиклик назариясига кўра, мазкур категория нутқий актлар назарияси нуқтаи назаридан тадқиқ қилинади [15.165-191]. Бундан келиб чиқиб, комик эффектга эришиш учун адресант – комиклик субъекти, комиклик объекти, яъни устидан кулинаётган объект ва адресат – кулишга интилаётганнинг иштироки зарурийдир. Бундан ташқари, комик ҳолат гувоҳи бўлган кузатувчи ҳам бўлиши мумкин. Комиклик қанчалик муваффақиятли тушунилиши мулоқот вазияти ҳамда адресант ва адресат, уларнинг билим-тажрибаси, коммуникатив юморли вазиятда иштирок этиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқдир. Юморнинг эмоционал мулоқот билан узвий алоқаси унинг тўғри тушунтирилиши ва идрокини таъминлайди. Мазкур ҳолатда кулги исталган перлокутив эффектни беради.

Комикликка оид лингвистик тадқиқотларда “комик дискурс” термини муҳим аҳамиятга эга. В.И.Карасик изидан биз комик дискурсни юмористик, киноявий, ҳажвий ёки саркастик йўналишга эга ҳамда шахслараро, оммавий ва ялпи мулоқот вазиятида бўлган матн сифатида таърифлаймиз [7.285]. Тадқиқотчининг фикрича, комик дискурснинг шаклланиши кўп жиҳатдан бир неча бочқичлардан иборат коммуникатив ниятга боғлиқ: ҳазил қилиш истаги, вазият мантиқийлигини баҳолаш, ҳазилнинг вербал ифодаси, адресат муносабатини баҳолаш. В.И.Карасик томонидан юмористик дискурснинг қуйидаги белги-хусусиятлари ажратиб кўрсатилган: 1) иштирокчиларнинг жиддий суҳбатдан қочиш коммуникатив истаги; 2) масофали қисқартиришга интилиш ва долзарб концептларни юмшоқроқ шаклда танқидий қайта англаш; 3) мазкур лингвомаданиятда қабул қилинган кулгили хатти-ҳаракатларнинг муайян моддалари мавжудлиги [7.364].

Адабиётлар:

1. Бахтин М.М. Творчество Франсуа Рабле и народная культура средневековья и ренессанса.- М.: Худ. лит-ра, 1965.- 527 с.

2. Вартаньян В.Л. Фрагменты психолингвистической теории юмора. Афтореф. дисс… канд. филол. наук.- М., 1994.- 20 с.

3. Желтухина М.Р. Комическое в политическом дискурсе. Дисс…канд.филол.наук.- Волгоград, 2000.- 250 с.

4. Калинцева М.О. Актуализация категории комического в тексте типа «анекдот» на испанском языке (лингвокогнитивный аспект). Автореф. дисс…канд.филол.наук. - Воронеж, 2013.- 22 с.

5. Карасёв Л.В. Философия смеха. М.: Рос.гуманит.ун-т, 1996.- 224 с.

6. Карасик А.В. Язык, коммуникация и социальная среда. Вып.1.- Воронеж, 2001.- С.13-22

7. Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – М.: Гнозис, 2004. - 390 с.

8. Леонтович О.А. Механизмы формирования комического в межкультурной коммуникации // Аксиологическая лингвистика: игровое и комическое в общении: сборник научн. тр. – Волгоград: Перемена, 2003.- С.138-146

9. Мечковская Н.Б. Феномен «смешного» в речи, его языковые первоэлементы и внеязыковые механизмы // Логический анализ языка: языковые механизмы комизма.- М., 2007.- С.140-153.

10. Попченко И.В. Комическая картина мира как фрагмент эмоциональной картины мира. Дисс…канд. филол.наук.- Волгоград, 2005.- 258 с.

11. Санников В.З. Русский язык в зеркале языковой игры.- М: Языки славянской культуры, 2002.- 552 с.

12. Философский энциклопедический словарь.- М.: ИНФРА-М, 2002.- 832 с.

13. Шаховский В.И. Эмоциональная коммуникация через языковую игру // Коммуникативные исследования. Современная антология. – Волгоград: Перемена, 2003.- 432 с.

14. Raskin V. Semantic Mechanisms of Humor. – Dordrecht, Boston; Lancaster: D.Reidel Publishing Company, 1985. 281 p.

15. Schmidt S.J. Komik im Beschreibungsmodell kommunikativer Handlungsspiele // Wolfgang Preisendanz/ Rainer Warning (Hrsg.): Das Komische. – München: Wilhelm Fink, 1976. 635 p.

Самарқанд давлат университети
2016 йил 12 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. М.Холбеков)